

ISSN 2010-9075

БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ
МӘМЛЕКЕТЛІК УНИВЕРСИТЕТИНИҢ

ХАБАРШЫСЫ

БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА



3

НӨКИС 2019 НУКУС

**БЕРДАҚ атындағы ҚАРАҚАЛПАҚ МӘМЛЕКЕТЛИК
УНИВЕРСИТЕТИНИҢ**

ХАБАРШЫСЫ

**БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ**

АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК

**КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА им. БЕРДАХА**

№ 3 (39)

2019

Каракалпакский госуниверситет им. Бердаха

Учредитель и издатель: Каракалпакский государственный университет им. Бердаха
Главный редактор: доктор технических наук Реймов А. М.

Редакционная коллегия:

АБДИНАЗИМОВ Ш. – проф., доктор филологических наук, АЛЕУОВ У. – проф., доктор педагогических наук, АСЕНОВ Г. – проф., доктор биологических наук, АБДУЛЛАЕВА М.Н.–доктор философских наук, БАЙМАНОВ К. – проф., доктор технических наук, БАЛЛИЕВА Р. – доктор исторических наук, БАБАДЖАНОВ Ф. – доц., кандидат филологических наук, БЕРДИМУРАТОВА А. – доктор философских наук, ЕРКИБАЕВА Г.Г.– доктор педагогических наук, ЖАРИМБЕТОВ К. – проф., доктор филологических наук, ЖОЛЛЫБЕКОВ Б. – проф., доктор географических наук, ИБРАГИМОВ М.Ю. – доктор сельскохозяйственных наук, ИСМАЙЛОВ К.А. – проф., доктор физико-математических наук, КОЩАНОВ Б. – проф., доктор исторических наук, КУДАЙБЕРГЕНОВ К.К.– доктор физико-математических наук, КУДАЙБЕРГЕНОВ М.С. – проф. доктор филологических наук, КУТЫБАЕВА Е. – проф., доктор юридических наук, КЫДЫРНИЯЗОВ М.-Ш. – проф., доктор исторических наук, КАЙЫПБЕРГЕНОВ Б.Т. – доктор технических наук, МАМБЕТУЛЛАЕВА С.М. –доктор биологических наук, МАМБЕТНАЗАРОВ Б.С. – проф., доктор сельскохозяйственных наук, МАТКУРБАНОВ Р. – доктор юридических наук, МАТЧАНОВ А.Т. – проф., доктор биологических наук, МУМИНОВ Ф.А. – проф., доктор филологических наук, РУЗИЕВ Э. – проф., доктор педагогических наук, САЛИЕВ А. – проф., доктор географических наук, ТАГАЕВ М.Б. – проф., доктор технических наук (заместитель главного редактора), ТУРДЫМАМБЕТОВ И.Р.–доктор географических наук, ТУРСЫНМУРАТОВ М. – ответственный редактор журнала, УБАЙДУЛЛАЕВ Х. – проф., доктор экономических наук, УТЕУЛИЕВ Н.У. – проф., доктор физико-математических наук, УРАЗЫМБЕТОВ К.К. – проф., доктор филологических наук, УМАРОВ Е.К. –доктор географических наук, УМАРОВА К. - доктор юридических наук, ХАМИДОВ Х. – академик, доктор филологических наук, ХВАН Л.Б. – проф., кандидат педагогических наук, Хожаниязов Г.Х.– кандидат исторических наук.

Журнал издается с 2008 года

Выходит 4 раза в год на каракалпакском, узбекском, русском и английском языках

Адрес редакции: 230100, г. Нукус, ул. Ч. Абдирова, 1.

Телефон: 223-60-19

E-mail: vestnik@karsu.uz

Ответственный секретарь: Асанова М.

Корректор: Кайыпова Ф.Ж.

Компьютерная верстка: Акжумаева Р.

«Вестник Каракалпакского государственного университета им.Бердаха» Постановлениями Президиума ВАК Республики Узбекистан (20.03.2015 г., №214/2; 18. 11.2015г., №218/5; 22.12.2015 г., №219/5) включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан, для публикации основных научных результатов докторских диссертаций по научным направлениям История, Философия, Филология, Юридика, Педагогика, Психология.

Сдано в набор 03. 09. 2019. Подписано к печати 15. 09. 2019. Формат бумаги 60x84 1/8. Печать офсетная. Бум. л. 22,5. Уч.-изд. л. 20. Тираж 300. Цена договорная.

Каракалпакский государственный университет им. Бердаха. г.Нукус, ул. Ч. Абдирова,1
Журнал зарегистрирован Каракалпакским агентством печати и информации.
Регистрационный номер №01-051 от 31 октября 2008 г.

Отпечатано в ООО «Байрам полиграф». г.Нукус, ул.Амир Темура 9.

© Вестник Каракалпакского государственного университета им.Бердаха

Хулоса килиб айтганда, бўлажак физика ўқитувчиларида таянч, умумий ва фанга доир хусусий компетенцияларни таркиб топтириш муаммоси методик педагогик компетенцияларига аниқлик киритиш ва педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнида компетенциявий ёндашув талаблари асосида ўқув курсларининг мазмунини янгилаш, шу асосда ўқитишни ташкил этиш ва бошқариш давр талаби саналади. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнининг сифатли ташкил этилишини, малакали кадрлар тайёрлашда юксак самарадорликка эришишни кафолатлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ишмухамедов Р., Абдукодилов А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагогик-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). Тошкент.: "Истеъдод", 2008.
2. Карлыбаева Г. Бакалавр ўқитувчиларни тайёрлашга инновацион ёндашувлар (физика ўқитувчиларини тайёрловчи олий таълим муассасалари мисолида) // Услубий тавсиянома. – Тошкент.: "Ворис" нашриёти 2011.

Резюме. Мақалада болажак физика оқитишчиларининг билим ҳам кўникмаларини қилиштириш имкониятлари ҳам де бул қилиштириш оқитиш процессини енгиш мўселеси қаралган. Сондай ақ, болажак физика оқитишчиларининг оқитиш процессини енгиштириш, оқитиш сапасини асирлишди ўйриниш ҳам амелиятта қолланиш усуллари аналлизленеди.

Резюме. Мақолада бўлажак физика ўқитувчиларининг малака ва кўникмаларини шакллантириш имкониятлари ҳамда бу кўникмаларни ўқув жараёнига татбиқи келтирилган. Шунингдек бўлажак физика ўқитувчиларининг ўқув жараёнини фаоллаштириш, ўқитиш сифатини оширишни ўрганиш ва келажак иш фаолиятида фойдаланиш усуллари таклиф этилади.

Резюме. В статье рассмотрены возможности формирования умений и навыков у будущих учителей физики и применение этих навыков в процессе обучения. Также рассматриваются вопросы активизации процесса обучения, повышению эффективности урока необходимые в дальнейшей и профессиональной деятельности будущих учителей физики.

Summary. This article deals with the facilities of formation of abilities and skills of future physics teachers and use of these skills in the teaching process, as well as the questions of activation of teaching process, improving the effectiveness of lessons which is necessary in their future career.

Таянч сўзлер: раўажландириш, қилиштириш, билимлендириш сипати, доретишлик қобилет.

Таянч сўзлар: ривожлантириш, шакллантириш, таълим сифати, ижодий қобилият.

Ключевые слова: развитие, формирование, качество образования, творческая способность.

Key words: development, formation, quality of education, creative ability.

ЎСМИР ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АҲАМИЯТИ

Абдуллаев М.Ж.

Бухоро давлат университети

Долзарблиги: Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда [1]. Шу ўринда болалар спортининг ўрни ҳам бекиёсдир. Юртбошимиз томонидан берилган эътибор миллат генофондини соғломлаштириш, ёшларимизни жисмоний тарбия ва спорт турларига жалб қилиш, уларнинг келажакда мамлакатимиз шарафини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар бўлиб етишишини таъминламоқда.

Биз биламизки, енгил атлетиканинг қисқа масофаларга югуриш тури бутун дунёда оммалашган спорт турларидан ҳисобланади. Спорт натижалари кундан кунга ўсиб бориши бошланғич тайёргарлик босқичида қисқа масофаларга югурувчи ўсмирларни йиллик тайёргарлик машғулотларини оптималлаш-тиришни тақозо этмоқда. Енгил атлетика назарияси ва услубияти соҳасида қўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари ўтказилган [2, 124; 9, 143]. Ўтказилган тадқиқот ишларида бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир енгил атлетикачиларимиз яхши спорт натижасига эриша олмаганлиги машғулот жараёнини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига кўра, ўсмир спортчиларнинг тўлақонли жисмоний ривожланиши ва уларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш, спорт турининг дастлабки техник ҳаракатлари элементларини ўзлаштириш учун пойдевор айнан бошланғич тайёргарлик босқичига амалга оширилиши мақсадга мувофиқ экан [4, 290]. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ўсмир енгил атлетикачиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш аҳамиятини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқот ишимизда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, суҳбат, педагогик кузатув усулларида фойдаланилди. Ёш спортчиларнинг ўқув-машғулотлари жараёнида ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган илмий текшириш ишларида кўришимиз мумкин.

М.А.Қурбонова томонидан волейбол спорт турининг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган халқ ҳаракатли ўйинларидан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этиш катта самара бериши тажрибада асослаб берилган. Қуйидаги тестларда натижаларнинг жиддий ўсиши кузатилади;

а) жисмоний тайёргарлик бўйича: -ўғил болаларда: юқори стартдан 30 м.га югуриш-0.57 с, жойидан туриб баландликка сакраш-13.11 см, тўлдирма тўпни (1кг) икки қўллаб бош ортидан тик турган ҳолда улоқтириш-2.43 м.б) техник тайёргарлик бўйича:-ўғил болаларда: пастдан тўғри тўпни киритиш аниқлиги, тўпни қабул қилиш ва уни 6 - зонадан 3 - зонага етгазиб бериш-25%.в) тактик тайёргарлик бўйича:-ўғил болаларда: 3 - зонадан 4 - ёки 2 - тўп узатиш (орқа билан туриб). Топшириқ бўйича шу зонадаги ўйинчилар зарбли уришни таъкидловчи ҳаракатларни бажариш-26.7% [6, 127].

Эркин курашда бошланғич спорт ихтисослашуви босқичида халқ ҳаракатли ўйинларидан фойдаланиш шуни кўрсатадики, ёш курашчиларнинг дастурни безарар эгаллашлари учун умумий вақт сонига нисбатан тахминан 18 дақиқа вақтни ҳар бир машғулотда ихтисослаштирилган ҳаракатли ўйинларга ажратиш керак. Оддий техник ҳаракатларни самарали ўзлаштириш учун тўрт хилдаги 3 дақиқали ўйинларни комбинацион йўналишдаги иккита ўйин билан бирга ўтказиш етарли бўлади. Ёш курашчиларни ўргатишда қўлланган махсус ҳаракатли ўйинлар умумий жисмоний тайёргарликдан кўра махсус тайёргарликка кўпроқ самарали таъсир этиши аниқланди. Бу ерда “хужум” ва “ҳимоя” сигналларига реакция қилиш тезлигида ва айниқса техник-тактик тайёргарлик кўрсаткичларида аниқ статистик ишончли фарқлар ($P<0.05$) кузатилади [3, 22].

Ўйин усули ва махсус йўналишга эга ўйин воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган машғулотлар ёки қилибозлар махсус сифатларини самарали ривожланишига ёрдам беради ($P<0.05 - 0.001$). Ўйин ва ўйин машқларининг қўлланиши шуғулланувчиларнинг жисмоний ва махсус тайёргарликлари, тезлик-куч сифатлари, чидамлилиқ, ҳаракат координацияси, шунингдек, санчишлар аниқлиги ва курулни бошқариш тезлигига ($P<0.05-0.001$) биргаликда таъсир кўрсатади [8; 23].

Тадқиқот натижаларига асосланиб, 9-11 ёшдаги болаларнинг югуриш тезлигини ошириш учун халқ ҳаракатли ўйинлари мажмуасининг оптимал тузилмаси ишлаб чиқилди. Энди шуғулланаётган ёш енгил атлетикачиларнинг ҳар томонлама жисмоний тайёргарлиги тузилишида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишда қуйидаги нисбатлар тавсия қилинади; тезлик-куч қобилиятларини такомиллаштиришга қаратилган халқ ҳаракатли ўйинлари 40%; - чидамлилиқни ривожлантиришга 20%; - тезликни ривожлантиришга 20%; - чакқонликни ривожлантиришга 10%; - реакция қилиш тезлигини ривожлантиришга - 10%. 9-11 ёшдаги болалар билан ўтказиладиган жисмоний тарбия дарсларига умумий машғулот вақтига нисбатан 25% ҳажмда ҳаракатли ўйинлар мажмуаларининг киритилиши ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик даражасини ва биринчи навбатда, югуриш тезлигини ишончли ($p<0.01$) оширишга имкон бериши.

С.С.Тажибоев (2017) томонидан ўтказилган тадқиқот ишида бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 11-13 ёшли боксчиларнинг спорт тўғрақларини ташлаб кетиш сабаблари ва спорт билан шуғулланишга бўлган мотивацияси аниқланган [7, 52]: ёш боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш дастури ишлаб чиқилди ва бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг умумий, махсус жисмоний тайёргарлиги ва жисмоний ривожланишининг ёшга хос динамикаси аниқланди; ҳаракатли ўйинлар ва бокс спортига хос ҳаракат фаолиятлари биокинематикаси ўзаро таққосланиб, ҳаракатларнинг ўхшашлиги аниқланган; бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш боксчиларнинг ҳаракат тайёргарлигида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар табақалаштирилди, ўйинларнинг шиддати ва ҳажми меъёрлари аниқланиб, уларни ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этиш методикаси ишлаб чиқилиб самарадор-лиги педагогик тажриба йўли орқали асослаб берилган.

Илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи енгил атлетикачиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнида ўтказилган педагогик кузатишлар натижасида мазкур спорт тури билан шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятини инобатга олган ҳолда уларнинг жисмоний, техник-тактик ва психологик тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўлланилмаслиги аниқланди.

Олинган маълумотларга таянган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди: Ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фойдаланган ҳолда 9-11 ёшдаги ўсмир енгил атлетикачиларни тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш методика-сини ишлаб чиқиш ва тажрибада асослаб бериш; Ўсмир енгил атлетикачиларни жисмоний ва психологик тайёргарлигида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинларни назарий ва амалий таснифлаш; 9-11 ёшдаги енгил атлетикачиларни умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигининг ёшга хос динамикаси хусусиятларини аниқлаш;

Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир енгил атлетикачиларни ўқув-машғулотлари жараёнида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси мазмуни ва йўналишини ўрганиш. Табақалаштирилган ҳаракатли ўйинлардан фойдаланган ҳолда 9-11 ёшдаги енгил атлетикачиларнинг ҳаракат тайёргарлигини ошириш методикасини ишлаб чиқиш ва тажрибада асослаб бериш зарурати мавжуд.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш ҳақида”ги ПФ-2821-сон Фармони.
2. Андрикс Э.Р., Қудратов Р.Қ. Енгил атлетика / –Т.; 1998 .

3. Балдаев К.В. Подвижные игры на этапе начальной спортивной специализации в вольной борьбе. Автореф. дисс....канд.пед.наук. –М.; 1986.
4. Волков Л.В. Теория и методика детского и юношеского спорта. –Киев Олимпийская литература. 2002.
5. Кудратов Р.Қ., Енгил атлетика / дарслик. – Тошкент, 2012.
6. Курбонова М.А. Бошланғич тайёргарлик даврида ёш волейболчиларни танлаш ва машғулот жараёнида халқ ҳаракатли ўйинларидан фойдаланиш. Пед.фан.ном. дисс. –Тошкент, 2006.
7. Тажибаев С.С. Ёш боксчиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикаси. Пед....фан....бўй....фал....док...[PhD] диссер... автореферати –Т.; 2017.
8. Фель В.А. Игровой метод развития специальных качеств фехтовальщиков в группах начальной спортивной подготовки. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. –Минск. 1989.
9. Шакиржонова К.Т., Тухтабоев Н.Т Основы техники, методика обучения и тренировки в беге на короткие дистанции. –Т.; 2012.

Резюме. Мақалада басланғич таъриқ басқичида шуғулланувчи ўсмир спортчиларнинг физикалық техникалық тактикалық ҳам психологиялық таъриқларида ҳаракатли ойинларнинг нәтижелелигин анықлаў ушун өткерилген изертлеўлер анықланған.

Резюме. Мақолада бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир спортчиларнинг жисмоний техник-тактик ва психологик тайёргарликларида ҳаракатли ўйинларнинг самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Резюме. В статье проанализированы результаты исследований по определению эффективности применения подвижных игр при физической, технико-тактической и психологической подготовке юношей, занимающихся на начальном этапе начальной подготовки.

Summary. In this system, the results of of studies on determining the effectiveness of mobile games in physical, technical and tactical, and psychological training of young men involved in the initial training phase.

Таяныш сөзлер: физикалық таъриқ, техникалық-тактикалық таъриқ, психологиялық таъриқ.

Таянч сўзлар: жисмоний тайёргарлик, техник-тактик тайёргарлик, психологик тайёргарлик.

Ключевые слова: физическая подготовка, технико-тактическая подготовка, психологическая подготовка.

Key words: physical training, technical and tactical training, psychological training

ЎСМИР ТАЭКВОНДОЧИЛАРНИ (ВТФ) МАХСУС ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Тажибаев С.С.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

Долзарблиги. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилмоқда (1). Шу ўринда болалар спортининг ўрни ҳам бекиёсдир. Давлатимиз томонидан берилётган эътибор миллат генофондини соғломлаштириш, ёшларимизни жисмоний тарбия ва спорт турларига жалб қилиш, уларнинг келажакда мамлакатимиз шарафини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар бўлиб етишишини таъминламоқда.

Таэквондо Олимпия ўйинлари таркибига 2000 йилда киритилган. Спортнинг ушбу турида спорт захираларини тайёрлашнинг мамлакатимиздаги мактаби хали етарлича ривожлангани йўқ, шунинг учун ўсмир таэквондочиларни тайёрлаш масалаларига катта эътибор қаратилиши зарур.

Спортнинг ҳар хил турларида амалга оширилган тадқиқотларда олинган илмий маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ўсмир таэквондочиларнинг ўқув-машғулот жараёнида ўйин вазифаларини қўллаш бир қатор устиворликларга эга. Машғулотларни ўтказишнинг ушбу усули ўсмир ёшдаги мактаб болаларининг ёшга оид ва функционал хусусиятларига мос келади [2, 557; 3, 325; 4, 139]. Лекин, ўқув-тренировка машғулотларда ўйин вазифаларини қўллаш амалиёти эстафеталарни ўтказишга ёки шуғулланувчиларнинг мустақил машғулотларига қаратилган ҳолос. Айрим ҳолларда, махсус ўйин машғулотлари ўтказилади, лекин улар, ўз таркибига футбол, баскетбол ёки регби каби ўйинларни олади. Таэквондо бўйича ўқув адабиётларда бошланғич тайёргарлик босқичида ҳаракатли ўйинларни қўллаш масалалари тўлиқ амалиётга татбиқ этилмайди. Шу туфайли, техник ҳаракатларга ўргатишнинг асосий вазифаларини ечиш ва зарурий жисмоний сифатларни ривожлантириш учун махсус ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини ишлаб чиқиш жуда долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади: ўсмир таэквондочиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлигини педагогик тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари: ўсмир таэквондочиларни тайёрлашда турдош ва мослаштирилган ҳаракатли ўйинларни саралаш (назарий ва амалий); ўсмир таэквондочиларни тайёрлашда ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлигини педагогик тажрибада текшириш.

Тадқиқот усуллари: илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, суҳбат, педагогик кузатув, инструментал усул, педагогик тажриба, математик статистик таҳлил.

Тадқиқотни ташкиллаштириш: Тажриба Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган “Orion” ва Сирғали туманида жойлашган “Isan” спорт клубларида бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 80 нафар 10-13 ёшли ўсмир таэквондочиларда ўтказилди.


Тренерлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра 78% респондентлар ўсмир таэквондочиларни махсус жисмоний тайёргарлигини оширишда ёрдам берувчи ҳаракатли ўйинлар сифатида “Чаккон оёқлар жамоаси”, “Ким бир оёқда тез югуради”, “Панжа уриш”, “Тарвўзни отиш эстафетаси”, “Тўлдирма тўплар билан югуриш”, “*Чигиртка*”, “Бир дақиқа юзта зарба”, “Ким чакқонрок”, “*Кенгурулар*”, “Сакровчи чумчуқлар”, “Хўрозлар жанги”, “*Тиззани букиб ўтириш*”, “Ким кучли”, “Чизиқ ташқарисига” ва бошқа ўйинларни тавсия этишган. Таэквондочиларнинг доллэ чаги зарба кучининг (оёқда ёндан зарба) ривожланганлиги ҳам бевосита уларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини баҳолашда энг ахборотли кўрсаткичлардан бири ҳисобланади [2, 557]. Юқорида келтирилган фикр мулоҳазаларга таянган ҳолда тажрибаларда ўсмир таэквондочиларнинг доллэ чаги зарба кучининг ривожланганлигини баҳолашга ҳаракат қилдик.

Ўсмир таэквондочиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлашда профессор Р.Д.Халмухамедов ва С.С.Тажибаевлар томонидан такомиллаштирилган “Юқори малакали боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш” (СПУДЭРГ-4) компьютер дастуридан фойдаланилди [5]. Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10-11 ёшли ўсмир таэквондочиларнинг тайёргарлигида қўлланилган ҳаракатли ўйинларнинг самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган педагогик тажриба натижалари қуйидагича бўлди. 10 ёшли ўсмир таэквондочиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги динамикаси юзасидан маълумотлар 1-расмда тақдим этилган. Унга кўра НГидаги ўсмир таэквондочиларнинг вазн оғирлиги ўқув йили бошида ўртача 33,4 кг.ни, йил охирига бориб 37,8 кг.ни ташкил этган. Вазн ортиши мос равишда 13,7%га етган.

Педагогик тажрибадан олдин, назорат ва тажриба гуруҳи спортчиларининг чап оёқда бажарган доллэ чаги зарба кучи, ўртача $56,7 \pm 6,90$ ва $57,4 \pm 8,27$ кг.га тенг эканлиги аниқланди. Кўрсаткичлар орасида статистик фарқлар ишончлилиги мавжуд эмас ($p > 0,05$). Анъанавий машғулотларда шуғулланган назорат гуруҳидаги 10 ёшли ўсмир таэквондочиларнинг доллэ чаги зарба кучининг йиллик ўсиши 5,82%га тенг. Спорт турига турдош бўлган ҳаракатли ўйинлар ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этилгач, тажриба гуруҳи спортчиларининг доллэ чаги зарба кучи мос равишда 21,6%га ўсганлигини ўтказилган математик статистик таҳлилларда аниқланди. Ушбу ёшдаги назорат ва тажриба гуруҳи спортчиларининг куч сифатини ривожланиш динамикаси ўзаро қиёсий таҳлил этилганда 15,78%га тенг бўлган фарқлар аниқланди.

Ўнг оёқда бажарилган доллэ чаги зарба кучи 10 ёшли назорат гуруҳидаги таэквондочиларда йил бошида ўртача 60,18 кг., ТГ спортчиларида ушбу натижа 58,84 кг.га тенг эканлиги аниқланди. Кўрсаткичлар орасида ишончли статистик фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$).


(кг, %)



1-расм. 10 ёшли ўсмир таэквондочиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги динамикаси.

Йиллик цикл ўқув-машғулотларидан сўнг, 10 ёшли ўсмир таэквондочиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги динамикасини аниқлаш юзасидан ўтказилган педагогик тестлаш натижасида НГ спортчиларининг ўнг оёқда бажарган доллэ чаги зарба кучининг ортиши мос равишда ўртача 9,28 кг.га етган (2-расм). Тажриба гуруҳида шуғулланувчи ўсмир таэквондочиларнинг ўнг оёқ зарба кучи йил сўнгига бориб $76,38 \pm 6,62$ кг.ни, ортиш 29,8%ни ташкил этди. Назорат ва тажриба гуруҳи таэквондочиларининг махсус жисмоний тайёргарлиги натижаларини қиёсий солиштирилганда ишончли статистик фарқлар борлиги аниқланди ($p < 0,001$).

(кг, %)



2-расм. 11 ёшли ўсмир таэквондочиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги динамикаси.

Назорат ва тажриба гуруҳидаги 11 ёшли ўсмир таэквондочиларнинг вазни йил бошида мос равишда ўртача 35,2 ва 34,8 кг.ни ташкил этди. Кўрсаткичлар орасида статистик фарқлар ишончли эмас ($p > 0,05$). Йил охирида назорат гуруҳи таэквондочиларнинг вазни ўртача 39,4 кг.ни, тажриба гуруҳи таэквондочиларида эса ўртача 38,2 кг.ни ташкил этган.

Доллэ чаги зарба кучи (чап оёқ) йил бошида назорат гуруҳида мос равишда ўртача 61,22 кг.ни, йил охирида ушбу кўрсаткич ўртача 67,14 кг.ни ташкил этган. НГдаги 11 ёшли ўсмир таэквондочиларнинг куч сифатининг ортиши 9,6%га тенг. Тажриба гуруҳидаги 11 ёшли ўсмир таэквондочиларнинг чап оёқда бажарган доллэ чаги зарба кучи педагогик тажрибадан олдин мос равишда ўртача $60,14 \pm 14$ кг.ни, ҳаракатли ўйинларни қўллаган ҳолда ўтказилган тажрибалар натижасида ушбу гуруҳдаги спортчиларнинг чап оёқда бажарилган доллэ чаги зарба кучи мос равишда ўртача $74,87 \pm 9,46$ кг.ни ташкил этди. Мазкур гуруҳдаги спортчиларни куч сифатининг йиллик ўсиши 24,50%га етган. Педагогик тажрибадан олдин ва кейинги натижаларни қиёсий солиштирилганда кўрсаткичлар орасида ишончли статистик фарқлар $p < 0,005$ га тенг. Ўнг оёқда бажарилган доллэ чаги зарба кучи (11 ёш) назорат ва тажриба гуруҳларидаги таэквондочиларда йил бошида деярли бир-бирига яқин натижалар қайд этилди ($66,82 \pm 7,45$; $66,82 \pm 8,14$). 11 ёшли назорат гуруҳи таэквондочиларининг ўнг оёқ зарба кучининг йиллик ўсиши ўртача 9,67%, тажриба гуруҳи спортчиларида эса мазкур кўрсаткич 21,67%га тенг эканлиги аниқланди. Кўрсаткичлар орасида статистик фарқлар ишончилиги $p < 0,001$ га тенг.

Хулоса. Адабиётлардаги манбаларни таҳлил қилиш ҳамда спортнинг ҳар хил турларидаги тренерларнинг илғор тажрибалари кўрсатадики, ўсмир таэквондочиларнинг бошланғич тайёргарлик босқичларидаги ўқув-тренировка машғулотларида ўйин вазифаларини қўллаш зарур экан.

Ўсмир таэквондочиларнинг машғулотларида махсус ўйин вазифаларини қўллаш, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психик хусусиятларига энг тўлиқ мос келадиغان шароитларни юзага келтиради. Бу, бошланғич тайёргарлик босқичида ҳаракат қобилиятларининг оптимал ривожланишига ва уларни юксак спорт маҳорати босқичида такомиллаштириш учун потенциални сақлашга қўмаклашади.

Таэквондочиларнинг машғулотлари таркибига ўйин вазифаларини киритилиши, жисмоний сифатларини муваффақиятли ривожлантиришга қўмаклашиши исботланган. Тажриба гуруҳида махсус жисмоний тайёргарлиги мутлоқ ва нисбий куч каби кўрсаткичлари назорат гуруҳиникига нисбатан ишончли даражада юқори бўлди. Тажриба гуруҳида чап оёқда бажарилган доллэ чаги зарба кучининг ортиш даражаси назорат гуруҳиникига нисбатан 10-11 ёшлиларда 15,7%, 14,9 %га юқори бўлди, ўнг оёқда бажарилган доллэ чаги зарба кучи 15,5%, 5,9% га юқори бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш ҳақида”ги ПФ-2821-сон Фармони.
2. Абдурасулова Г.Б., Нуритдинова Ш.Н., Тажибаев С.С. Таэквондо назарияси ва услубияти. Дарслик. Тошкент – 2015.
3. Глебов Е.И. Таэквондо. Основы олимпийского спарринга /Е.И. Глебов, Чой Сунг Мо. - Ростов-н/Д: Феникс, 2002.
4. Ли Чжон Ки. Техничко-тактические характеристики соревновательного спарринга в таэквондо ВТФ: Дис.... канд. пед. наук. –М., 2003.
5. Халмухамедов Р.Д., С.С.Тажибаевлар яратган “Юқори малакали боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлаш (СПУДЭРГ-4)” компьютер дастури Ўзбекистон Республикаси электрон машиналари учун дастурлар давлат реестрида 14.03.2013 йилда Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган, талабнома рақами DGU 2013 0032.

Резюме. Мақалада ёспирим таэквондошларнинг арнаўли физикалық таярлықларында қолланылатуғын ҳәрәкетли ойыңларды классларға бөлип, спортшылардың доллэ чаги соққы (аяқта қапталдан соққы)күшин (абсолют ҳәм салыстырмалы күшин) раўажланыўындағы нәтийжелилиги бойынша педагогикалық тәжирийбе мағлыўматлары келтирилген.

Резюме. Мақолада ўсмир таэквондочиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигида қўлланиладиган ҳаракатли ўйинлар табақалаштирилиб, спортчиларнинг доллэ чаги зарба (оёқда ёндан зарба) кучини (мутлак ва нисбий куч) ривожлантиришдаги самарадорлиги педагогик тажрибада асослаб берилганлиги юзасидан маълумотлар келтирилган.

Резюме. В статье изложены результаты педагогического эксперимента по обоснованию эффективности развития силы (абсолютной и относительной силы) удара доллэ чаги у спортсменов с использованием дифференцированных подвижных игр в специальной физической подготовке юных таеквондистов.

Summary. Differentiating motional games that are used on special physical preparations of young taekwondo players, some reports on the basis of pedagogical experiences and their effectiveness of developing (absolute and relative) forces on sportsmen are presented by this article

Таяныш сөзлер: ҳарекетли ойинлар, абсолют ҳам салыстырмалы күш, доллэ шаги күши.

Таянч сўзлар: ҳаракатли ўйинлар, мутлак ва нисбий куч, доллэ чаги зарбаси.

Ключевые слова: подвижные игры, абсолютной и относительной силы, удара доллэ чаги.

Key words: motional games, absolute and relative force, the stroke of dolly chagi.

ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КВАНТОВИЙ ТАСАВВУРЛАРНИ ЎҚИТИШ ҲОЛАТИ

Матжанов Н.С.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети

Юқори малакали физика ўқитувчиларини тайёрлашда квант физика алоҳида ўрин тутати. Квант физика курсини яхши ўзлаштирган, унда қўлланиладиган қонуниятларнинг физик ва фалсафий моҳиятини тушуниб етган талабаларгина келгусидаги иш фаолиятларида ижобий натижага эриша оладилар. Ўқитувчидан фақатгина маълум мавзунини туғри тушунишдан ташқари ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ўстириш ҳам талаб этилади. Квант физика курсини ўқиш жараёнида талабаларда: физикадан назарий ва экспериментал билимлар шаклланади; физик масалаларни ечишга оид малака ва кўникмалар шаклланади; курсга тааллуқли фундаментал тажрибаларнинг моҳияти ва уларнинг квант физиканинг ривожланишида тутган ўрнини яққол тасаввур қилади.

Умумий физика, ўрта умумтаълим мактаб, академик лицей (АЛ) ва касб-ҳунар коллеж (КХК)лар физика курсларининг дастурини диққат билан таҳлил қилиш ва таққослаш шуни кўрсатадики, уларнинг таркиби ва асосий функциялари ўхшаш. Лекин ўқув материалнинг мазмуни турли босқичлар бўйича фарқ қилади. Талабалар томонидан ўрганиладиган умумий физика курсининг хусусиятлари қуйидагича[1]:

1) умумий физиканинг кўпчилик тушунчалари, қонунлари ва назариялари билан улар, ўрта умумтаълим мактаб, АЛ ва КХК лар физика курсларидан таниш. Шунинг учун, маърузаларда уларга таниш бўлган далиллар, ҳодисалар ва қонуниятлар чуқур ва кенгайтирилган ҳолда баён қилиниши керак.

2) педагогика олий ўқув юртининг талабаси учун бўлажак физика ўқитувчи сифатида турли методик масалаларни қандай ҳал қилиш кераклигини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг назаримизда юқоридаги фикрларни амалга ошириш учун, биринчидан, умумий физика курсининг касбий йўналишини кучайтириш лозим; иккинчидан, умумий физика курсининг бўлимларини ўқитишда ўрта умумтаълим мактаб, АЛ ва КХК лар физика курслари билан изчилликни амалга ошириш зарур. Агар педагогика олий ўқув юртида ўқитиладиган умумий физика курсининг “Квант физика” бўлимининг мазмуни ва ривожланишига назар солсак, ўрта умумтаълим мактаб, АЛ ва КХК лар физика курсига ўхшаш томонларини кўриш мумкин. Буни кўрсатиш учун 1 – жадвал тузилган. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, ёруғлик кванти – фотон туғрисидаги ўрта умумтаълим мактаб, АЛ ва КХК лар физика курсида баён қилинган дастлабки маълумотлар умумий физика курсида чуқурлаштирилади ва кенгайтирилади. Ушбу жараёнда уларнинг кўпчилиги экспериментал нуқтаи назардан умумий физика курсида асосланади, бу эса ўрта таълим тизимида деярли йўқ.

Бизнинг фикримизга кўра, квант физика бўлимини ўқитишда асосий эътибор қуйидаги ғоя ва масалаларга ҳамда уларнинг ҳар томонлама экспериментал асосланишига қаратилиши керак: физиканинг ривожланишида квантлаш ғоясининг ўрни ва роли; микрозарраларнинг корпускуляр-тўлқин дуализми ғояси ва унинг экспериментал асосланиши; атом ва молекулаларнинг тузилиши ва хоссалари; атом ядроларининг тузилиши ва хоссалари; элементар зарралар ва уларнинг хоссалари.

Умумий ўрта таълим мактаб	АЛ ва КХК	ОТМ
Вакуумли ва яримўтказгичли фотоэлементлар. Фотоэффектнинг техникада қўлланилиши. Ёруғликнинг кимёвий таъсири ва унинг	Ёруғлик квант назариясининг тузилиши. Ёруғлик квантлари. Фотоэффект ва унинг назарияси. Фотоэффектнинг қўлланилиши. Гелиотехника. Ўзбекистонда куёш энергиясидан фойдаланиш ва унинг истикболлари. Ёруғликнинг босими.	Нурланишнинг квантовий хоссалари. Фотоэлектрик эффект. Фотонлар. Эйнштейн тенгламаси. Фотоэлемент, фотоқўпайтиргич. Электрон-оптик қурилма. Вавилов тажрибалари. Ёруғликнинг босими. Лебедев тажрибаси. Рентген нурланиши. Тормозли ва характеристик нурланиш ва уларнинг спектр-

қўлланилиши. Гелиотехника. Ўзбекистонда куёш энергиясидан фойдаланиш ва унинг истикболлари.	Ёруғлик табиатини тушунтиришдаги дуализм – ёруғликнинг тўлқин ва квант хоссалари. Атом физикаси. Атомистик дунёқарашнинг ривожла- ниши. Атом тузилиши. Томсон моделли. Резерфорд тажрибаси ва формуласи. Атомнинг планетар моделли. Бор постулатлари. Атом спектридаги қонуниятлар. Водород атомининг спектрал сериялари. Баль- мернинг умумлашган формуласи. Водород атомининг Бор назарияси. Энергетик сатҳлар. Бор назария- сининг инқирози. Квант механика ҳақида тушунча. Менделеев даврий системасининг физикавий тушунти- рилиши. Спонтан ва мажбурий нур- ланишлар. Ёруғликни кучайт-тириш принциплари. Рубин(ёқут) лазернинг тузилиши ва ишлаш принципи.	лари. Комптон эффекти. Боте тажрибаси. Рентген нурланишнинг татбиқи. Иссиқликдан нурланиш. Жисмларнинг нур чиқариш ва нур ютиш қобиятлари. Кирхгоф қонуни ва унинг натижалари. Абсолют қора жисмнинг нурла- ниши. Стефан-Больцман қонуни. Виннинг силжиш қонуни. Абсолют қора жисм спек- тридаги энергиянинг тақсимланиши. Релей- Жинс формуласи. Нурланиш энергиясининг квантланиши. Планк формуласи. Оптик пиро- метрлар. Модданинг тўлқин хоссалари. Элек- тронларнинг дифракциясига оид тажрибалар. Де Бройль тўлқинлари. Гейзенберг ноаниқ- лик муносабатлари. Квант механиканинг асосий тасаввурлари. Тўлқин функция ва унинг физик маъноси. Квант механикадаги суперпозиция принципи. Шрёдингер тенг- ламаси. Квант механиканинг содда масала- лари: чизиқли гармоник осцилляторнинг энергиясини квантлаш.
--	--	--

СОДЕРЖАНИЕ

ЕСТЕСТВЕННЫЕ И ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ

МАТЕМАТИКА. ФИЗИКА. ТЕХНИКА.

Отаров А.О., Туремуратова А., Едилбекова Р. Решение систем линейных алгебраических уравнений модифицированными методами сопряженных градиентов	3
Абдикамалов Б.А., Мадаминов Б., Айтымбетов Н. Научно-методические аспекты измерения гравитационной постоянной в учебных лабораториях физического практикума по механике	7
Кожаметов А.Т., Нуримов П.Б. Оптимизация оценок начальных возмущений в линейных дифференциальных системах.	9
Насыров М.У., Атаубаева А.Б., Шарипбаев М.Б., Халмуратов А. Омические контакты на основе tis_i и диффузионных барьеров ti и tib_x к сильнолегированному si	12
Абубукиров А.Б., Сарсенбаев Д.Б. Компенсация реактивной мощности в системах электроснабжения преобразовательных установок	15

ХИМИЯ. ТЕХНОЛОГИЯ. БИОЛОГИЯ.

Алламуратов Б.Дж. Динамика изменения почвенных процессов в южном приаралье	18
Абдуллаева Г.Т., Есимбетов А.Т., Эргашев Н.А., Позиллов М.К., Комилов Э.Ж., Рискулов Д.Р., Асраров М.И. Ўсимлик фаол бирикмаларининг турли патологиялардаги мембранавий бузилишларга коррекцияловчи таъсири	20
Бекмуратова З.Т., Хасанов Б.К., Авазов К.Р., Жолдасова А.Б., Алланиязов Г.Ш. Испытание входного сырья для получения медицинских перевязочных материалов	24
Ташкузиев М.М., Шадиева Н.И. Некоторые химические, физические и физико-химические свойства высокогорных почв Туркестанского хребта	27
Алланиязов Г.Ш., Айтымбетов С.Р., Юлдашев А.Т., Шамуратов М.Т. Салаева Н.С. Футер трикотаж тўқимасининг раппортининг ўзгариши уларнинг сифатига таъсирининг тадқиқоти	32

ОБЩЕСТВЕННЫЕ И ГУМАНИТАРНЫЕ НАУКИ

ЭКОНОМИКА

Даўлетмуратов А. М., Пирниязова Г. Ж. Республикамызда салық системасын эпиўайыластырыў хэм салық жүгин кемейтириў мәселелери	35
Саъдуллаева Г.С. Олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш	37
Ismailova A.K., Kairbayeva A. E., Yessengazyeva S., Yeltayeva K., Turdimambetov I.R., Ismailov B.A. Differentiating rural areas in and their classification in Slovak Republic	42

ОБРАЗОВАНИЕ. МЕТОДОЛОГИЯ. ПСИХОЛОГИЯ

Абдимуратов П.С. Абдимуратов Ж.П. Бала тәрбиясында ата-ананың орны	46
Сейтимбетова Г.А., Қосбергенов Е.Ж., Ембергенова К.А. Олий ўқув юртларида физика фанини ўқитишда ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш масалалари	48
Алланазарова Ш.А. Ўқув мунозарасининг вазифалари ва педагогик-психологик имкониятлари	51
Бердибаев М. Математика фанларини ўрганишда бўлажак ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хосликлари	54
Axmedov A. A., Artikov N., K. Fizika fanidan laboratoriya mashg'ulotlarini o'tkazishning innovatsion uslibiyoti	56
Менлимуратова Э.А., Ереженева Д.Д. О приемах и подходах икт на практических занятиях по иностранному языку в студенческой аудитории	58
Турсунов Ш.С. Курашчиларда техник усулларни ўргатиш услубиятини аниқлаш	60
Сейтназарова И. Шаңарақ мүнәсибетлери мәденияты – шаңарақ беқкемлигиниң тийкары	62
Яздонов У.Т., Яздонова С.Қ. Ўзбекистонда таълим ва тарбия соҳасида олиб борилаётган ислохатлар	66
Орынбетов Н. Электротехника фанида талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришда ахборот технологияларнинг аҳамияти	68
Ибрагимова М., Хусенова М., Рахмонов Ш. Таълим туризми хизматларининг халқаро амалиёти таҳлили	70
Карлыбаева Г.Е. Олий таълим муассасаларида бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини шакллантириш йўллари	73

Абдуллаев М.Ж. Ўсмир енгил атлетикачиларни тайёрлаш тизимида ҳаракатли ўйинларни қўллаш аҳамияти	64
Тажибоев С.С. Ўсмир таэквондочиларни (втф) махсус жисмоний тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш самарадорлиги	66
Матжанов Н.С. Узлуксиз таълим тизимида квантовий тасаввурларни ўқитиш ҳолати	75

**ИСТОРИЯ. СОЦИОЛОГИЯ.
ФИЛОСОФИЯ. ЮРИСПРУДЕНЦИЯ.**

Айтмуратов Ж. Ислам Каримов мийнетлеринде тарийҳка жанаша кез-қарас ҳам қарақалпақстанда тарийҳ илими	77
Ураков Д.Ж. , Договора упорядочивающие российско-китайские отношения второй половины XIX века: исторический анализ	79
Кайпназаров А.Ш. Из истории сельского хозяйства Каракалпакстана в 60-е – 80-е годы XX века	82
Наубетуллаев А. К истории вопроса об установлении большевистской власти в амударьинском отделе	86
Сайнов С.Т. Печати и знаки мастеров-гончаровна керамических изделиях средневекового Хорезма.	89
Жумаев Т. Тарихий манбаларда амиртемур шахсияти ва давлат бошқаруви	91
Маткаримова Н.М. Никоҳ тўйи маросимлари билан боғлиқ ирим-сиримлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари	94
Юсупова Н. Ж. Ислоҳ ҳуқуқшунослари асарларида оила масаласи	97
Саматов Х. Марказий осие интеграциясини назарий асослашда Махдуми Аъзам Косоний қарашларининг ўрни	100
Мирзаев Ғ.Р. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси доирасидаги ҳамкорлиги масалалари ва истиқболи	102
Раҳмонов С. М. Тасаввуф	105
Собирова Н.А., Жалилов Ш.З., Омонов Ш.Б. Инвестиция муносабатларини йўлга қўйишда замонавий кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари	107
Шамшетов Ш.С., Хожабеков М.Ж. Источники правового регулирования коммерческой тайны в Республике Узбекистан	110
Наўрызбаева Г. Жиноят иши бўйича дастлабки терговда вакилнинг процессуал ҳолати	114
Умарова К. Административная юстиция Республики Узбекистан	118
Аллеков Б.Е. Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказишнинг объекти	124

ФИЛОЛОГИЯ. ЖУРНАЛИСТИКА.

Қудайбергенов М.С., Зайрова Қ.М. Қарақалпақ халқ айтысларында кийим-кеңшек атамаларының қолланылыўы	126
Жўраев М. Туркий халқларнинг юлдузлар билан боғлиқ астромифологик тасаввурлари	129
Маджидова Р. У. Человек как объект лингвистических исследований	135
Мамбетова Г.Ж. Қарақалпақстанның арқа районлары антропогидронимлери ҳаққында	138
Янгибаева Н.Г. Ғози Олимнинг ўзбек тили унлилари тўғрисидаги мулоҳазалари	144
Турсынмуратов Ш.М. Восточные мотивы в рассказе Б. Лавренева «Сорок первый»	149
Sarsenbaeva Z. J. The use of verbal phraseological synonyms in the english and karakalpak languages	152
Абдурахманов Ф.И. Лексико-семантическая классификация многоместных глаголов в русском языке	158
Kdirbaeva G., Bakhieva. P. Significance of activities in raising learners' language awareness	164
Ҳабинова Р.А. Инструментал синтаксемаларни ифодаловчи лексик бирликлар	169
Зиядуллаев И.О. Немис тилида янги феълларнинг семантик валентлиги	172